

**Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 9-моддасининг тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш бўйича  
ҲИСОБОТ**

**1-боб. Умумий маълумотлар**

1.	<b>Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг (бундан буён матнда норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб юритилади) тартибга солиш таъсирини баҳолашни (бундан буён матнда ТСТБ деб юритилади) амалга оширувчи давлат орган ёки ташкилоти номи</b>	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
2.	<b>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури, номи ва реквизитлари</b>	Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 9-моддаси (ерларни тоифаларга бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш)
3.	<b>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси ишлаб чиқилганда тайёрланган ТСТБ бўйича ҳисобот ва ТСТБ тўғрисида хулосалар мавжудлиги тўғрисида маълумот</b>	Мазкур ҳужжат ТСТБ тизими жорий этилишидан олдин ишлаб чиқилган
4.	<b>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ТСТБдан ўтказиш учун асос</b>	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 январдаги “Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартириш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-8-сон Фармони 2-илоvasи 1-банди
5.	<b>Тартибга солиш таъсир кўрсатаётган объектлар ва/ёки субъектлар (манфаатдор томонлар)</b>	Объект: Ўзбекистон Республикаси ер фонди. Субъектлар: ер участкаларини бериш ҳуқуқига эга бўлган органларнинг ерларни ер фонди тоифаларига бўлиш, бир тоифасидан бошқасига ўтказиш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни, ундан фойдаланиш мақсадини белгилаш ва у билан боғлиқ муносабатлар вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар

**2-боб. Тартибга солиш мақсадларига эришилганлиги ва натижадорлиги тўғрисида маълумотлар**

<b>6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши натижасида эришилган мақсадлар ва кўрсаткичлар:</b>					
<b>Лойиҳаси ишлаб чиқилган даврда қўйилган мақсадлар</b>	<b>Прогноз қилинган индикатив кўрсаткичлар</b>	<b>Қўйилган мақсадларга эришилганлиги тўғрисида маълумот</b>	<b>Эришилган индикатив кўрсаткичлар</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>Ҳисоблаш усуллари</b>
Ўзбекистон ҳудудидаги ерларнинг асосий фойдаланиш мақсадига қараб ер фонди тоифаларига бўлиш.	Мазкур қарор ТСТБ тизими жорий этилишидан олдин ишлаб чиқилганлиги учун индикатив кўрсаткичлар прогноз қилинмаган	<p><b>2024 йил 1 январь ҳолатига жами ерлар 44892,4 минг гектар шундан:</b></p> <p><b>қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар – 26132,2 минг гектар (58,2%);</b> аҳоли пунктларининг ерлари – 226,7 минг гектар (0,5%);</p> <p>саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар – 786,9 минг гектар (1,8%);</p> <p>табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар – 3223,3 минг гектар (7,2%);</p> <p>тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар – 15 минг гектар (0,03%);</p> <p>ўрмон фонди ерлари – 12092,5 минг гектар (26,9%);</p> <p>сув фонди ерлари – 827,3 минг гектар (1,8%);</p> <p>захира ерлар – 1588,5 минг гектар (3,5%).</p>	<p><b>2019-2023 йилларда</b> Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фондидаги <b>824,6 минг гектар</b> ер майдонлари тоифаси ер фондининг бошқа тоифасига ўтказилган.</p> <p><i>(саноат фондига – 25,3 минг га; аҳоли фондига – 3,4 минг га; ўрмон фондига – 37,5 минг га; сув фондига – 24,2 минг га; тарихий-маданий – 3 га; табиатни муҳофаза қилиш фондига – 734,2 минг га)</i></p>	гектар	Ўзбекистон Республикасининг Ер фонди ҳисоботи маълумоти
			3,2 %	фоиз	қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига нисбати

<b>7. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги тартибга солиш усулини қўллашда вужудга келган ижобий ва салбий оқибатлар таҳлили:</b>	
<b>Ижобий</b>	<b>Салбий</b>
<p>1. Мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг амалга киритилиши натижасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни, айниқса суғориладиган ерларни асраб-авайлаш ҳамда ер фонди тоифаларини мақсадли ўзгартириш таъминланди.</p>	<p>1. <b>Тоифаси ўзгартирилган 42,5 минг гектар</b> ер майдонларининг: шундан, <b>7617,5 гектари суғориладиган ерлар бўлиб, тупроқ унумдорлиги 247 гектари (3%) 32 баллдан 40 баллгача, 1643,1 гектари (22%) 40 баллдан 50 баллгача, 4432,6 гектари (58%) 50 баллдан 60 баллгача, 1110,7 гектари (15%) 60 баллдан 70 баллгача, 184,1 (2%) гектар 70 баллдан юқори ерларни ташкил этган)</b></p> <p><b>18,6 минг гектари (43,7%) 1175 та ташаббускорларга тўғридан-тўғри ажратилган</b>, шундан 4,4 минг гектарида қурилиш ишлари тугалланган ва <b>7,2 минг гектарида қурилиш ишлари тугалланмаган, 7 минг гектарида қурилиш ишлари бошланмасдан бўш турибди;</b></p> <p>бўш турган майдонларнинг 1105 гектари (16%) 2019 йилдан буён, 428 гектари (6%) 2020 йилдан буён, 8 гектари 2021 йилдан буён, 768 гектари (11%) 2022 йилдан буён, 4628 гектари (67%) 2023 йилдан буён фойдаланишга киришилмаган;</p> <p><b>2,2 минг гектари (5,1%) аукцион савдоларига чиқариш жараёнида</b>, шундан 0,8 минг гектари аукцион савдолари ўтказилиб, танлов ғолиблари аниқланган, танлов ғолиблари томонидан 80,8 гектарида қурилиш ишлари тугалланган ва <b>215,4 гектарида қурилиш ишлари тугалланмаган ҳамда 445,8 гектарида қурилиш ишлари бошланмасдан бўш турибди;</b></p> <p>бўш турган майдонларнинг 10 гектари (2%) 2019 йилдан буён, 78,9 гектари (18%) 2021 йилдан буён, 98,2 гектари (22%) 2022 йилдан буён, 258,8 гектари (58%) 2023 йилдан буён фойдаланишга киришилмаган;</p> <p><b>17,5 минг гектар (41,2%)</b> ер майдонлари туман захирасига олиниб, фойдаланилмасдан бўш турган майдонларнинг 218 гектари (1%) 2019 йилдан буён, 39 гектари (0,2%) 2020 йилдан буён, 734 гектари (4%) 2021 йилдан буён, 5078 гектари (29%) 2022 йилдан буён, 11412 гектари (65%) 2023 йилдан буён фойдаланишга киришилмаган;</p> <p><b>4,2 минг гектар (9,9%)</b> ер майдонлари ердан фойдаланувчилардан</p>

	<p>туман ҳокимликлари захирасига қайтарилмаганлиги сабабли ушбу майдонларда амалга ошириладиган лойиҳаларни ўз вақтида бошлаш ва ишга тушириш имконияти йўқолади.</p> <p>Режалаштирилган янги иш ўринлари ёки ишлаб чиқариш кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади.</p>
<p>2. Бузилган ерларни рекультивация қилиш ва қайта тиклаш бўйича амалга оширилган ишлар:</p> <p>Қорақалпоғистон Республикасида 44 та корхона томонидан 226,5 гектар, Андижонда 14 та корхона томонидан 70,96 гектар, Бухорода 46 та корхона томонидан 318,04 гектар, Жиззахда 23 та корхона томонидан 70,7 гектар, Қашқадарёда 25 та корхона томонидан 159,3 гектар, Навоийда 24 та корхона томонидан 490,2 гектар, Наманганда 18 та корхона томонидан 32,7 гектар, Самарқандда 14 та корхона томонидан 151,8 гектар, Сирдарёда 41 та корхона томонидан 78,7 гектар, Сурхондарёда 28 та корхона томонидан 74,1 гектар, Тошкентда 88 та корхона томонидан 345 гектар, Фарғонада 22 та корхона томонидан 24,9 гектар, Хоразмда 3 та корхона томонидан 17,6 гектар ва Тошкент шаҳрида 1 та корхона томонидан 1,0 гектар фойдали қазилмаларни қазиб олиш натижасида бузилган жами 2061,5 гектар ер майдонларини рекультивация қилиш ишлари амалга оширилди.</p> <p>2023 йилда экологик назорат инспекциялари томонидан аниқланган ерларни ифлослантирганлиги ва белгиланган мақсадларда фойдаланмаганлиги учун 733 та ҳолатда 398,0 млн сўм жарималар қўлланилди.</p>	<p>2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган <b>42,5 минг гектар</b> ерларнинг тоифаси ўзгартирилиши натижасида белгиланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарилишига салбий таъсир кўрсатади.</p> <p>Ушбу 42,5 минг гектар майдонларнинг 7,6 минг гектари суғориладиган ерлар, 34,9 минг гектар лалми, яйлов ва бошқа ерларни ташкил қилади.</p> <p>Тупроқ унумдорлиги 50 баллдан юқори бўлган 5727 гектар экин майдонларга экспортпоб сабзаёт етиштирилганда ўртача бир гектардан 25 тонна жами 143 минг тонна маҳсулот олиш мумкин.</p> <p>Тупроқ унумдорлиги 50 баллдан паст бўлган 1890 гектар экин майдонларга полиз маҳсулотлари етиштирилганда ўртача бир гектардан 22 тонна жами 41 минг тонна маҳсулот олиш мумкин.</p> <p>34,9 минг гектар лалми, яйлов ерларга чорва молларини боқиш мумкин.</p>
<p>3. Ерларнинг деградациясига қарши курашиш:</p> <p>экин ерларини шамол эрозиясидан сақлаш мақсадида республика бўйича 233 минг гектар майдонда турли дарахт кўчатлари ва буталар экилиб, ўрмонзорлар барпо қилинди.</p> <p>Хусусан, Оролбўйи минтақасига кирувчи ҳудудларда аҳоли яшаш масканлари ва суғориладиган ерларни қум босишидан ҳимоя қилиш мақсадида Орол денгизининг суви қуриган ҳудудларида 107 минг</p>	<p>3. Тоифаси ўзгартирилган <b>фойдаланилмасдан бўш турган 29,1 минг гектар ер майдонларидан самарасиз фойдаланиш</b> ҳолатлари юзага келмоқда.</p> <p><b>Мисол учун:</b></p> <p>Қуёш фотоэлектр станциясини қуриш учун ажратилган <b>1,1 минг гектар</b> (Самарқанд вилоятида 445,5 гектар ва Жиззах вилоятида 658,7 гектар) <b>ер майдонларида қурилиш бошланмаган;</b></p>

<p>гектар бархан қумликларда саксовул ва қорабурак ўсимликларининг ниҳоллари ҳамда уруғлари экилди.</p> <p>Тупроққаъла, Қоракўл, Жондор, Гиждувон, Шофиркон, Ромитан, Томди, Учқудук ва Конимех туманларида 101 минг гектар яйловлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида саксовул ва черкез кўчатлари ҳамда уруғлари экилди. Чўл, тоғ ва тоғ олди ҳудудларидаги 25 минг гектар майдонда асосан ёнғоқ мевали ва бошқа дарахтлар экилиб, ўрмонзорлар барпо этилди.</p> <p>Ерлар деградациясига қарши курашиш, унинг салбий таъсирини камайтириш ва оқибатларини юмшатиш ҳамда тупроқларни муҳофаза қилиш бўйича 3 та илмий лойиҳа шакллантирилди ҳамда илмий-тадқиқот ишлари бошланди.</p>	<p>Ижтимоий соҳа ва бошқа жамоат объектлари учун ажратилган <b>320 гектар</b> ерларда <b>қурилиш бошланмаган, тўлиқ яқунланмаган ва аукционга чиқарилмаган;</b></p> <p>Саноат мақсадлари учун ажратилган <b>251 гектар</b> ер майдонлари, жумладан, <b>саноат зоналарида лойиҳалар қисман ёки умуман жойлаштирилмаган;</b></p> <p>Туман ҳокимликлари захирасидаги 2,3 минг гектар ер майдонларининг айримларининг бош режалари йўқлиги, тўлиқ бўлмаганлиги ёки ўзгараётганлиги сабабли аукционга чиқармаслик ва ажратмаслиги натижасида бўш турибди.</p>
<p>4. Барча турдаги қурилишлар учун ер ажратишга доир материалларни келишиш бўйича амалга оширилган ишлар:</p> <p>Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 ноябрдаги 685-сонли қарори ижроси доирасида тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун жами 110,9 минг, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун 13,3 минг дан ортиқ аризалар кўриб чиқилиб, давлат экологик экспертиза хулосалар берилди, экологик талабга жавоб бермайдиган (дарахт, сув муҳофаза зоналари ва бошқа сабаблар туфайли) 140 та ҳужжатлар рад этилди.</p>	<p>4. Туман ҳокимлиги захирасига қайтарилмасдан <b>тоифаси ўзгартирилган 4,2 минг гектар</b> ер майдонларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларининг ҳақли эътирозлари ва норозиликлари юзага келиши мумкин.</p> <p>Жумладан, <b>ердан фойдаланувчилар томонидан 1,5 минг гектар</b> ер майдонлари кредиторлик қарздорликлари мавжудлиги ҳамда уларга компенсация маблағлари берилмаганлиги натижасида туман ҳокимлиги захирасига қайтарилмаган.</p> <p>Бундан ташқари, тоифаси ўзгартирилган жами <b>6 та субъектларга</b> ижарага берилган <b>сув тежовчи технологиялар жорий қилинган 473 гектар</b> ер майдонлари захирага қайтарилмаган. Бунда, технологияларни жорий қилиш учун тижорат банклари томонидан <b>3 та субъектларга жами 8,82 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган</b> ҳамда уларни сўндириш бўйича ташаббускорларга давлат бюджетидан <b>5 та субъектларга 2,92 млрд.сўм субсидия маблағлари ажратилган.</b></p>
<p>5. Тупроқни ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати юзасидан давлат назоратини (мониторингини) амалга ошириш</p> <p>Экология вазирининг 2023 йил 1 мартдаги 36-сон буйруғи билан</p>	<p>5. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши <b>нобудгарчилик ўрни 4 трлн.сўм ҳисоб-китоб қилинган.</b></p>

“Тупроқларнинг ифлосланиши манбаларида давлат экологик мониторинги ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати ва уларнинг мониторингини амалга ошириш режаси” тасдиқланди.

Экологик мониторинг ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режа-жадвалига мувофиқ 2023 йил 1 мартдан бошлаб тупроқни ифлосланишини назорат қилиш бўйича йилда икки марта баҳор ва куз фаслларида 154 та (2022 йилда 152 та) хўжалик юритувчи субъектларнинг тупроқ ифлосланиши манбаларида таҳлил назорат ишлари амалга оширилмоқда.

2023 йилнинг 1 июль ҳолатига тупроқнинг ифлосланишини назорат қилиш бўйича Атроф-муҳит мониторинги, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлимлари (таҳлилий лабораториялар) томонидан 146 та корxonанинг 1021 та ифлослантирувчи манбаларидан 1049 та намуналар олиниб хлоридлар, сульфатлар, фосфатлар, нитратлар, фтор, кальций, фенол, нефть маҳсулотлари, аммоний, оғир металллар, карбонат, бикарбонат, хлор, хлорорганик пестицидлар бўйича 4018 та физик-кимёвий таҳлиллар ўтказилди.

Ҳисобот даврида тупроқ намуналарининг физик-кимёвий таҳлил натижалари, моддалар учун тупроқнинг фонга нисбатан ифлосланиши юқори эканлиги куйидаги ҳудудларда қайд этилган.

Сирдарё вилоятида “Оқ олтин дон маҳсулотлари” АЖ ҳудудидан ташқарида тупроқнинг фонга нисбатан темир билан ифлосланиши 1,2-5,7 баравар, “PENG-SHENG CHARM” МЧЖ 1,7-4,0 баравар, “Йулрефттранс” АЖ 2,3 баробар, “Farhod GES” УК 1,2 баравар, “Сирдарё ИЭС” АЖ 1,3 бараваргача;

Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги “Asadbek Toshev” фермер хўжалигининг собиқ қишлоқ хўжалиги аэродроми ҳудудида тупроқнинг мис билан 4,2, хром билан 4,8 баробар ифлосланиши қайд этилган.

“Оҳангаронцемент” АЖ кўрғошин – 1,7-1,9 баробар, кадмий – 1,7-1,8 баробар, “Олмалиқ кон металлургия комбинати” АЖ нинг хомашё чиқиндихонаси жойлашган ҳудудида тупроқнинг кўрғошин – 1,3-1,4

Шундан, **2,9 трлн.сўм нобудгарчилик миқдорини** қоплаб бериш **истисно тариқасида бекор қилинган** ҳамда **қопланадиган қисми 1,1 трлн.сўмни ташкил** этади.

Нобудгарчилик маблағларини ундирилмаслик сабаблари:

**328 гектар** учун ҳисобланган **310,1 млрд.сўм ҳисобланган нобудгарчиликни** тўлаш муддати бўйича имтиёз берилиб, 2025 йилдан бошлаб тўлов амалга ошириш белгиланган;

**394 гектар** учун ҳисобланган **305,7 млрд.сўм ҳисобланган нобудгарчилик маблағи** туман ҳокимликлари захирасида турган, аукционга чиқарилмаган ёки белгиланган мақсадлар учун ажратиб берилмаганлиги учун ундирилмаган;

**163 гектар** учун ҳисобланган **107 млрд.сўм ҳисобланган нобудгарчилик маблағ** ер майдонлари туман ҳокимликлари захирасига қайтарилмаганлиги сабабли аукционга чиқарилмаган ёки белгиланган мақсадлар учун ажратиб берилмаганлиги учун ундирилмаган;

**505 гектар** учун ҳисобланган **358,3 млрд.сўм ҳисобланган нобудгарчилик маблағ сабабсиз ундирилмаган;**

Белгиланган нобудгарчилик суммаларининг ўз вақтида ундирилмаганлиги сабабли келгусида янги ерларни ўзлаштириш учун давлат бюджетидан маблағлар ажратилишига салбий таъсир кўрсатади ҳамда янги ерларни узлаштирилмасдан қолади.

мартагача, мис – 1,3-2,4 бараваргача, кадмий фонга нисбатан – 1,3-1,4 бараваргача ифлосланиши қайд этилган.

Ўрта-Чирчиқ туманидаги чиқиндихона ҳудудидан ташқарида тупроқнинг фонга нисбатан кадмий билан ифлосланиши 1,7-2,3 баробар, рух ва кўрғошин билан 1,3 баробар юқори эканлиги аниқланган. Бекобод тумани чиқиндихона ҳудудидан ташқарида кадмий билан ифлосланганлиги фонга нисбатан 1,4 дан 2,2 бараваргача аниқланган.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли чиқиндихона ҳудудидан ташқарида фонга нисбатан кадмий 1,6 баравар, мис 1,3 баравар ва рух 1,7 бараварга, Паркент туманидаги “Бустонлик” чиқиндихона ҳудудидан ташқарида фонга нисбатан кадмий 1,6 баравар, Оҳангарон тумани “Янги Хаёт” маҳалласидаги чиқиндихона ҳудудидан ташқарида кадмий 1,5 баравар, рух 1,3 бараварга ортиқча миқдори қайд этилди.

Шунингдек, заҳарли кимёвий моддалар кўмилган ҳамда сақланаётган махсус объектларнинг хавфсиз ҳолатда сақланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги 647-сон қарорига мувофиқ, ҳар чорақда махсус объектлар атрофида заҳарли моддаларнинг тарқалишини аниқлаш бўйича тупроқ таркиби кимёвий таҳлилдан ўтказилиб келинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 декабрдаги 765-сон қарори билан тасдиқланган “Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги Низом”га асосан ҳозирда муддати ўтган 225 та препаратларнинг, жумладан 84 та инсектицид ва акарицидлардан – 46 та сини қайта рўйхатдан ўтказмаслик бўйича, қолган 65 та фунгицид, 40 та гербицид, 4 та дорилаш препаратлари, 2 та дефолиант ва десикантлар, 16 та ўсимлик ўсишини бошқарувчи препаратлар, 3 та биопрепарат, 1 та омбор зараркундаларига қарши курашда қўлланиладиган препаратларни, 6 та минерал ўғит ва 2 та биоўғитларни, 2 та феромонлар бўйича ўсимликлар карантини ва

<p>ҳимояси агентлигига тегишли хулосалар киритилди.</p> <p>2023 йилнинг ҳисобот даврида давлат синови режасига киритилган ва 81 та аризачи томонидан тақдим этилган 376 та агропрепаратлар, жумладан 307 та ўғитлар ва 69 та ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, феромонлар ва биопрепаратларнинг экологик-токсикологик хусусиятлари ўрганилди ҳамда уларни қўллашда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг хусусиятлари, фойдаланиш пайтидаги огоҳлантирувчи маълумотлар, чиқиндилар ҳосил бўлган тақдирда уларни йўқ қилиш чоралари ҳамда кўрилиши лозим бўлган чекловлар юзасидан маълумотлар ва тегишли таклифлар тайёрланиб, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига киритилди.</p>	
	<p>б. Тоифаси ўзгартирилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ўрнига янги ерларни ўзлаштириш учун <b>2020 йилда 159,4 млрд.сўм давлат бюджети ҳисобидан маблағ ажратилиб, 31,2 минг гектар ерлар фойдаланишга киритилган.</b></p> <p>2021-2022 йилларда Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимида қирувчи ташкилотларга ажратилган 176 млрд.сўм бюджет маблағлари ҳисобидан Бухоро вилоятида 5895 гектар тупроқ унумдорлиги баҳоланмаган яйлов, бўз ва бошқа ерлар ўзлаштирилган.</p>



**3-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг самарадорлиги (фойда ва харажат таҳлили) тўғрисида маълумотлар**

<b>8.</b>	<b>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши муносабати билан келтирилган фойда ва (ёки) юзага келган харажатларнинг тавсифи:</b>		
<b>Харажат ва фойда тури</b>		<b>Миқдорий кўрсаткичлар</b>	
		<b>Бир марталик</b>	<b>Даврий</b>
<b>Бевосита харажатлар</b>			
<b>Харажат тури</b>	<b>Манфаатдор томонлар (сони)</b>	<b>2019-2023 йилларда</b>	<b>2019-2023 йилларда</b>
Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарар	Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари	<b>8,82 млрд сўм</b>	
Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш	Давлат бюджети	<b>4 трлн сўм</b>	
<b>Билвосита харажатлар (мавжуд эмас)</b>			
Харажат тури	Манфаатдор томон (сони)		
<b>Маъмурий сарф-харажатлар (мавжуд эмас)</b>			
Харажат тури	Манфаатдор томон (сони)		
<b>Бевосита фойда</b>			
Фойда тури	Манфаатдор томон (сони)		
<b>Билвосита фойда</b>			
Фойда тури	Манфаатдор томон (сони)		
<b>Жами фойда ва харажатлар</b>			
Фойда			
Харажатлар		<b>4 трлн 8,82 млрд сўм</b>	
Соф жорий қиймат			

\*Маълумотлар манбалари:

<b>9.</b>	<b>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши натижасида тартибга солинадиган тадбиркорлик субъектларининг тоифаси бўйича сони (улуши) ўзгаришининг кўрсаткичлари</b>	
	<b>Йиллар кесимида</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси ер фондида ердан фойдаланувчилар сони</b>
	2020 йил 1 январь ҳолатига	374814 та
	2021 йил 1 январь ҳолатига	383835 та
	2022 йил 1 январь ҳолатига	417356 та
	2023 йил 1 январь ҳолатига	427881 та
	2024 йил 1 январь ҳолатига	1101189 та

\*Маълумотлар манбалари:

#### 4-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг рақобат муҳитига таъсири

<b>10.</b>	<b>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг рақобат муҳитига таъсир кўрсатган оқибатлар (салбий/ижобий) тавсифи:</b>	
	<b>Товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг (етказиб берувчилар) доираси ва сонини чеклаши (чекламаслиги)</b>	Чекланмаган
	<b>Етказиб берувчиларнинг ўзаро рақобатлашиш имкониятини чегаралаши (чегараламаслиги)</b>	Соғлом рақобат муҳити яратилган
	<b>Етказиб берувчиларнинг бозор муносабатларида ўзаро рақобатлашишга қизиқишини пасайтириши (пасайтирмаслиги)</b>	Етказиб берувчиларнинг бозор муносабатларида ўзаро рақобатлашишга қизиқишини пасайтирмайди
	<b>Истеъмолчилар учун керакли ахборотни танлаш имконининг чегараланиши (чегараланмаслиги)</b>	Чегараланмаган

#### 5-боб. ТСТБ бўйича ҳисобот муҳокама қилинганлиги тўғрисида маълумот

<b>11.</b>	<b>ТСТБ бўйича ҳисоботни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш натижалари тўғрисида маълумот:</b>	
	<b>ТСТБ бўйича ҳисоботни муҳокама қилишнинг идентификация рақами</b>	Манфаатдор тарафлар (Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси) билан ўтказилган давра суҳбатида томонларнинг ҳисобот бўйича берилган таклифларга муносабати ўрганилди ва

	уларнинг таклифлари умумлаштирилди.	
ТСТБ бўйича ҳисобот муҳокамага қўйилган давр	Бошланиши	Тугаши
<b>Келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш натижаси</b>		
Жами таклифлар сони	Қабул қилинган	Рад этилган

### 6-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни баҳолашга имкон берадиган бошқа маълумотлар

<b>12. Маълумотлар</b>

\*Маълумотлар манбалари:

### 7-боб. Хулоса

<b>13. ТСТБдан ўтказиш натижалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги тартибга солиш усуллари анал қилиш мақсадга мувофиқлиги ёки уларни бекор қилиш зарурлиги тўғрисида хулоса.</b>
<p><b>Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги айрим нормаларнинг анал қилиб туриши, тартибга солиш таъсирини баҳолаш нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли қуйидагиларни амалга ошириш таклиф қилинади:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини бошқа ер тоифаларига ўзгартиришга 2026 йил 1 январга қадар чеклов ўрнатиш (Жамоат эҳтиёжлари учун белгиланган ҳолатлар бундан мустасно).</li> <li>Ташаббускорларга тўғридан-тўғри ажратилган ва қурилиш ишлари тугалланмаган ер майдонларда қурилиш ишларини тугатиш ҳамда қурилиш бошланмаган ер майдонларида ташаббускорларга бир ой муддатда қурилиш ишларини бошлаш, акс ҳолда ушбу ер майдонларини туман ҳокимликлари захирасига қайтарилиши юзасидан огоҳлантириш.</li> <li>Аукцион савдоларига чиқариш жараёнидаги 1,6 минг гектар ер майдонларининг 2024 йил 1 майга қадар аукцион савдоларига тўлиқ чиқарилишини таъминлаш.</li> <li>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2024 йил 1 майга қадар туман захирасига қайтарилиб, фойдаланилмасдан бўш турган ер майдонларини аукцион савдоларида сотиш учун ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган ер тузиш лойиҳалари асосида лотларни шакллантириш, лотларни тегишли масъуллар билан келишиш ва аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўриш.</li> <li>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда ер тоифаси ўзгартирилиб, ердан фойдаланувчилардан туман ҳокимлиги захирасига қайтарилмаган ер майдонларини тўлиқ туман ҳокимлиги захирасига</li> </ol>

олишни ташкил этиш, ушбу майдонлар туман ҳокимлиги захирасига қайтарилгандан сўнг ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиб, лотларни шакллантириш ва аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўриш.

6. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартибини рақамлаштириш.

**14. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси ишлаб чиқилганда тайёрланган ТСТБ бўйича ҳисобот ва ТСТБ тўғрисида хулосалар (мавжуд бўлса) ушбу ҳисоботга илова қилинади.**

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 9-моддаси тартибга солиш таъсирини баҳолаш (ТСТБ)дан ўтказилмоқда.**

**Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатга таклифлар бўлса [a.qadirov@agro.uz](mailto:a.qadirov@agro.uz) электрон почта манзилига жўнатишингиз сўралади.**

**08.04.2024 йил**